

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН «ЎЗКОММУНХИЗМАТ» АГЕНТЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ

**321** Умумий мол-мулкни, ер участкасини ва хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатининг мол-мулкни сақлаш бўйича жой мулкдорларининг мажбурий бадалларини шакллантиришда харажатлар таркибини аниқлаш ҳамда уй-жой фондига хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича пудрат ташкилотларининг хизматлари учун рентабелликнинг чекланган даражасини жорий этиш бўйича низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил  
27 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1672-1*

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат» агентлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг 2006 йил 25 декабрдаги 104, 17, 01-1371-сон қарори (рўйхат рақами 1672, 2007 йил 10 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 15-сон, 161-модда) билан тасдиқланган Умумий мол-мулкни, ер участкасини ва хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатининг мол-мулкни сақлаш бўйича жой мулкдорларининг мажбурий бадалларини шакллантиришда харажатлар таркибини аниқлаш ҳамда уй-жой фондига хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича пудрат ташкилотларининг хизматлари учун рентабелликнинг чекланган даражасини жорий этиш бўйича низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Молия вазири**

Тошкент ш.,  
2014 йил 4 июнь,  
43-сон

**Р. АЗИМОВ**

**Иқтисодиёт вазири**

Тошкент ш.,  
2014 йил 4 июнь,  
72-сон

**Г. САИДОВА**

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й.*

**Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат»  
агентлиги бош директори**

**У. ХАЛМУХАМЕДОВ**

Тошкент ш.,  
2014 йил 4 июнь,  
02-1/592-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги  
ва Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат»  
агентлигининг 2014 йил 4 июндаги  
43, 72, 02-1/592-сон қарорига  
ИЛОВА

**Умумий мол-мулкни, ер участкасини ва хусусий уй-жой  
мулкдорлари ширкатининг мол-мулкни сақлаш бўйича жой  
мулкдорларининг мажбурий бадалларини шакллантиришда  
харажатлар таркибини аниқлаш ҳамда уй-жой фондига хизмат  
кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича пудрат ташкилотларининг  
хизматлари учун рентабелликнинг чекланган даражасини  
жорий этиш бўйича низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 11-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«11. ХУЖМШ нотижорат ташкилот бўлганлиги сабабли асосий фаолияти доирасида Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ барча турдаги солиқлар ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилинган. Даромадлар ва харажатлар сметасини тузиш, шунингдек мажбурий бадалларни аниқлаш чоғида юқоридаги тўловлар ҳисобга олинмайди.»

2. 38-бандда:

а) ўнинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

б) ўн биринчи ва ўн иккинчи хатбошилар тегишинча ўнинчи ва ўн биринчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

3. Ушбу ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси билан келишилган.

**Давлат солиқ  
қўмитаси раиси**

**Б. ПАРПИЕВ**

2014 йил 4 июнь